



**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ПЕДИАТРИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**  
**БОЛАЛАР КАСАЛЛИКЛАР ПРОПЕДЕВТИКАСИ**  
**КУРСИ**

**Очик дарснинг мавзуси:**  
**Хар хил ёшдаги болаларда асаб рухий**  
**ривожланиши**

3 курс талабалари учун

**Машгулот утувчи:** Асс. Облокулов Х.М.

**2016-2017 ўқув йили**

## Асаб рухий ривожланиши

Асаб системаси бир томондан организм, тукима ва системаларда буладиган физиологик ва метабolik процессларни бошқари боради, бошқа томондан эса организмнинг ташки мухит билан боғлаб туради.

Одам организмнинг аклий ривожланиши 50% ҳаётнинг биринчи 4-йилида, 30%, 4-8 ёшда ва қолган 20% 8-17 ёшда булади,

Бола бир қатор шартсиз рефлекслар билан туғилади ва уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Сунмас ҳаётӣй автоматизмлар (қуз қорачиғи, миғжа, ютиш, қош усти рефлекслари қиради).
2. Утувчи рудиментал рефлекслар (суриш, излаш, лаб чузиш, қул огиз сиқиш, Моро рефлeksi туриш, эмақлаш, Галанта, Переса рефлекслари, лабиринт, симметрик ва асимметрик бўйин тоник рефлекслари).
3. Мезинцефал утқазувчи ва автоматизмлар: лабиринт, енгил ва занжирли бўйин ва гавда рефлекслари.

Ҳолат ва ҳаракат активлиғини шаклланишлари.

Ҳомиланинг ҳолат ва ҳаракати эмброннинг ривожланиши ва тугрикни яхши утиши учун замин яратади.

Пропиорецептрларни қузғалиши ватери рецептларни уйғониши туғайли, ҳомила она қорнида энг қам ҳажм, ҳолати бачадонига минимал ички босим билан таъсир қилади. Леффлектор равишда бошни қайрилишлари, гавда ҳолатини узғариши ва бачадонга болани оёғини тираб узини итариши, тугрикни тез утишини таъминлайди.

Тугриқдан кейин, бошлаб олий анализаторлар ишга тушади ва кейинчалик ҳаракат ва ҳолат анализаторлари ҳаракатга тушиб мураккаб ҳаракатларни ҳам бола бажара бошлайди. Шунинг учун тарбия ишларини аста секин мураккаблаштириб бориш зарур.

Чақалоқларни ҳаракати хаотик, умумлашган атетозлик характерга эга, такомиллашмаган ва буқувчи муқкулларни гипертонуси билан характерланади.

У 1,5 ойликка бориб бошини тутати, 3-3 ½ ойда панжалари билан тугашини пайпасаб, торта бошлайди. Бу ёшда уни уйинчоқлари қичкина бўлиши қерак ва уларни қраватидан (50-70см) юқорида боғлаб қуйиш зарур. 4,5 ойлиғида орқа муқкуллари такомиллашади ва у орқадан қорнига айлана олади, кейинчалик (5-6 ойлиғида) қорнидан орқага айлана олади.

6 ойлиғида муқтакил утиради ва бу уни оёқ муқкулларини такомиллашган ҳаркатларни бошланиши билан характерлидир.

Юриш бошланиши, болани 8-9 ойлиғидан қраватқаси олдида тик туриши ва ҳаракатини бошланиши 10-11 ойига тугри қелади. 1 ёшли болани юриш ҳаракати қуйидағича: оёқлар қенг қуйилган, оёқ учлари четга йуналган, оёқлар тизза ва болдир бугинларига бўқилган ҳолатда булади.

2 ½ ёшда оёқлар тикка жойлашган ва юришида бўқмайди ва 4-5 ёшида у қатталарга ухшаб юра бошлайди.

Болаларни ҳаракати ва уйқуси нисбати биринчи 4 ойда 1:1,5-8 ойида 1,7:1 ва 9-12 ойида 3,3:1 тенг булади.

Шартли реффлектор ҳаракат. Болаларни шартли реффлектор ҳаракатини Н.И. Красногорший томонидан чуқур урганилган.

У болаларда нормада ва шикастланишларда шартли рефлексларни узғаришини қузатган. Аниқлашича, ҳатто чақалоқларда ҳам бош мия пуслоти шартли рефлeksiи ҳосил бўлиши мумкин. Шартли рефлексларни такомиллашиши 2 ойнинг охири ва 3-ойнинг бошланишида руй беради. 6 ойда бориб шартли рефлексларни ҳосил бўлиши ҳама сезғи аъзоларида (қуз, қулок, бурун, тери) булади.

Иккинчи йил давомида шартли рефлекслар такомиллашади ва мураккаблашади. Чакалокларни хис туйғуси уз характериға караб бир хил манфий булади. Йиглаш ва бу унинг ички ёки ташки мухитининг носозлигидан дарак беради. 6-хафталарға бориб унинг илжайиши, 12 хафтадан Кулиши ва умумий харакатида завкланиши характерлидир. 5-ойда у онасини бошка одамлар ичида ажрата олади. 6-7 ойлардан кейин актив диккат харакатлари такомиллашади, у тинимсиз равишда уйинчоклари ва атрофдаги жисмлар билан одамларға, хар хил хис туйғу билан жавоб беради, куркув ва уятчанлик пайдо булади.

Нутк ривожланиши- товуш ва нуткнинг усишида куйидаги даврларини белгилаш мумкин.

1. Тайёрлов даври -4 2-4 ойдан бошланиб биринчидан товуш чикаради ва кейинчалик хониш килади. 5 ойликка бориб унинг хониши хар хил товушлар билан бойиб бориб, 7 ойда (лепет) бошланади.
2. Сенсор нуткни ривожланиши 7-8 ойдан бошланади. Бу даврда сенсор нуткни ривожланиши изловчи куриш реакцияси яъни куйидаги саволлар «кани», «она кани», «сигир», «куй», «калам» ва бошкалар билан бошланади. У бу даврда куп харакатларни номини билади, уйинчоклари, якин одамларини исмларини, «мумкин» ёки «ёмон» сузларни билади.
3. Харакат нуткнинг ривожланиши –у 10-11 ойлигида бошланади. Бир ёшға бориб болалар 10-12 сузни билади. Биринчи сузлар оддий булади (она, ота,холла,опа).

Иккинчи йилнинг биринчи ярмида суз бойлиги то 30-40 гача боради.

Иккинчи йилға бориб оддий афсоналар ва хикоялар тинглайди, куп илтимос ва курсатмаларни бажаради. Шу ёшидан бошлаб уни фикрлаш кобилияти орта боради ва сузлашиш билан бола атроф мухит ва одамлар билан бевосита мулокатда булади. угил болалардан кура, кизларни харакат нутки тез ривожланади.

Импритинг –лахзали таъсурот. Бу бола организмга каттик таъсир курсатиб, бутун хаёти давомида давом этади. Она уз боласини хар хил харакатлар, товуш чикариш ва Суз оркали тушунтира боради. Бола юра бошлаганида, она уни уйинларини узгартира боради ва уз уртоклари билан утгри муомилада булишини назоратлаб туради.

Энаси ва бобоси тарбиясида булган болалар, купинча, мактабға кейин мослашадилар, уларни такомиллашган харакатлари суст ривожланган, лекин суз бойлиги ва фикрлаш кобилияти юкори булади. болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар эса харакатлари мукаммаллашган, лекин сузлаш ва фикрлаш кобилиятлари суст ривожланган.

Уйку бу болаларни табиий физиологик холати булиб, у олий асаб системасини ривожланишини муътадил кечиши учун, мода алмашинуви, жисмоний ривожланиши, усиши ва улгайиши учун зарурдир.

Чакалокларни уйкуси полифазадидир, уни табиий эхтиёжи 22- соат, 6 ойлигида 15 соат, 12 ойлигида -13 соат. 5 ёшида 11,5 соат 10 ёшида 9,5 соат, 15 ёшида 9 соатни ташкил килади. 5-6 ёшгача булган болаларға кундузги уйкуни ташкил килиш зарур. Саломатликни Яна бир курсатгичи бу болаларни уйкуға кетиш вактли булиб, у уртача 30 минутни ташкил килиши керак. Болаларни  $\frac{1}{2}$  ёшлигидан уйкуға кетиши кейин кечади ва болани узи, узи учун хар хил усулларни топади.

Куриш аъзолари- куз хомиланинг 3-хафталаридан бошлаб шакллана бошлайди. Куз олмасини огирлиги ва размери 3-5 ёшгача ривожлана боради. Тугилгандан кейин ва биринчи кунларда чакалокларда (дальнозоркость) узокни куриш характерлидир, кейинги йилларда у камайди ва 9-12 ёшда куриш эметропик булади.

Тугилганда ёш безлар ишламайди. Икки хафталикдан бошлаб уларни секрецияси бошланади. Бола 3 хафталигидан нигохини кимирламайдиган жисмларға тухтата олади, 6 ойлигидан бошлаб кизил ва сарик рангларни ажрата олади. 1  $\frac{1}{2}$  -2 ёшдан бошлаб у 2-3 та турли хил рангдаги жисмларни туплай олади ва 3 ёшли болалар хама рангларни ажрата олади.

Эшитиш аъзолари- чакалокларни кулоги морфологик жихатидан яхши шаклланган. Ташки эшитиш йули калта ва бу суюк кисмини ривожланмаганидан. Евстахийев номи калта ва кенг. Ногора пардасини бушлиги тугилганча хафвсиз булиб, биринчи нафас олиш ва ютиш харакатлари бошланиши билан хавога тулади. Чакалоklar 12 ДБ ли товушларни ажрата олади, 3 1/2 ойга бориб -17 тонни ажрата олади, 7 ойликка бориб -0,5 тонни аниклайди. Товушларни сезишини аудомедрия оркали аниклайдилар.

Хид сезгиси –у сезги хомиланинг IIтоVII ойигача усиш даврида ривожланади. Унинг рецепторлари асосан бурун деворларини шиллик пардасида ва юкори бурун йулида жойлашган. Хид сезишни асаб механизмлари 2-4 ойлик болалар ёшида мукаммаллашади ва бола уз хис-туйгуси билан хидни яхши ёки ёмонлигини ифодалайди. Кичик мактаб ёшига бориб, болаларни хид сезиши ва ажрата олиши юкори етукликка етади.

Таъм сезгилари – бу сезги системаси хомиланинг охирги ойларида ривожланади. Таъм рецепторлари тилда, лабларда ва огиз бушлигини шиллик пардасида жойлашган булади. факатгина таъмни билиш эмас, балки уни сифатини, микдор концентрацияларини аниклаш, аста-секин ривожланиб, кичик мактаб ёшига бориб мукаммаллашади.

Тактил сезги-огрикни сезиш рецепторлари хомиланинг 3-ойлик ривожланишида шикланади. Чакалоklarни огрикга реакцияси умумий характерга эга булади, кейинчалик эса у бир жойли реакцияларга алмашинади.

Харорат алмашинуви Руффини рецепторлари (иссиклик) ва Краузе рецепторлари (совук) сезиш кобилияти морфологик ва функционал жихатидан, чакалоклик давридан бошлаб мукаммалликка эга. Совукликни сезадиган рецепторлар, иссиклик рецепторларидан 10 баробар ортик. Шунинг учун ёш болаларни иссикликдан кура совукликка сезгиси юкори.

## САВОЛЛАР

- Янги тугилган чакалоklarнинг бош миясининг ататомо физиологик хусусиятларини курсатинг
- . Бир ёшгача булган болаларнинг бош мия шишига сабаб булувчи анатомо –физиологик хусусиятини курсатинг
- . Нутк ривожланиши боскичларини курсатинг
- 2 ойлик боланинг нерв психик ривожланиши
- 3 ойлик боланинг нерв-психик ривожланиши
- 6 ойлик боланинг нерв психик ривожланиши
- 12 ойлик боланинг нерв-психик ривожланиши
- Талвасалар булади
- . Кайси касалликларда талваса кузатилиши мумкин
- . Менингиал синдром белгилари
- . Микроцефалияни патогномик белгилари
- . Асосий орал рефлексларни сананг
- . Асосий миелоэнцефальпозотоник рефлексларни сананг
- . Кайси рефлекслар тургун рефлексларга киради.
- . Асосий спинал рефлексларни сананг

## Тест саволлари

**Болаларни асаб-рухий ривожланиши. Физиологик рефлекслар.Статика, моториканинг шаклланиш боскичлари. Нутк, хис-туйғу ва мулоқот шаклларианинг ривожланиши. Болага педагогик таъсир кўрсатиш. Кун тартиби. Асаб тизимининг зарарланиш семиотикаси**

17. Марказий нерв системасининг шаклланиши критик даври қайси ёшга тўғри келади 9 хомилани ривожланиш ҳафталари)

- А) 10-18 ҳафталигида
- В) 5-6 ҳафталигида
- С) 7-8 ҳафталигида
- Д) 19- 29 ҳафталигида

18. Нерв тоналари ривожланиши ва медален парда билан қопланиши қуйдагича ўтади

- А) марказдан периферияга томон
- В) марказдан интилувчи
- С) цефало-каудал йўналишда
- Д) перифериядан хужайра томон миелинизацияланган

19. Нерв хужайрасини дефферинсировкаси (такмиллашиши) тўғри келади?

- А) 3 ёш
- В) 1 ёш
- С) 5 ёш
- Д) 7 ёш

20. Янги тутилган болада рефлекс билан мушак тонуси аниқланади?

- А) тоник – лабиринт рефлексии
- В) эмиш
- С) излаш
- Д) суяниш рефлексии

21. Қайси ёшда Бабинский рефлекс йўқолади ?

- А) 2 ёшда
- В) 6 ойда
- С) 1 ёшда
- Д) 8 ойда

22. Болаларда нутқни шаклланиши биринчи белгилари нима ҳисобланади?

- А) гавраниши
- В) сузларни тингланиши
- С) товишни тикланиши
- Д) сузларни айта бошлаши

23. Моторик нуктани пайдо булиши этапи кайси ёшда бошланади?

- А) 10-11 ойлигида
- В) 7-8 ойлигида
- С) 5-6 ойлигида
- Д) 2 ёшда

24. Янги туғулган чакалокни актив ҳаракатларининг узига хос хусусиятлари?

- А) хоатик мақсадга йуналтирилмаган ҳаракатлар
- В) ёзувчи мушак тонусининг кучайганлиги билан
- С) мақсадга йуналтирилган ҳаракатлар
- Д) мушаклар гипотонияси

25. Асаб –рухий ривожланишнинг куйдаги курсаткичлари кайси ёшга тугри келади : бола киска вақт нарсага тикилиб қарайди , каттик товушни эшитганда сесканади биринчи марта жилмаяди корнида ётганда бошини тутишга ҳаракат килади, Робинсон, Моро, Кернига, Галент, Парез, Бабинский, Бабкин рефлекслари мусбат:

- А) 1-ойлик
- В) 4-ойлик
- С) 5-ойлик
- Д) 6-ойлик.

26. Эс-хушининг бузилиш шакллари кузатилмайди:

- А) аник
- В) ступор
- С) сопор
- Д) кома

27. Асаб рухий ривожланишининг куйдаги курсаткичлари кайси ёшга тугри келади: пастки Ландау шаклланган, суяниб тик тура олади, кани деган саволга жисмларни ахтаради, бегоналарни яқинларидан ажрата олади, бир бугинли сузларни айтади.

- А) 5-6 ойлик бола
- В) 1-2 ойли
- С) 9-10 ойлик бола
- Д) 1 ёш

28. Болаларни асаб рухий ривожининг куйдаги курсаткичлари кайси ёшга тугри келади :узи мустакил юра олади, 8-10 суз айтади, пиёлани олиб ичади ,товушларни ажрата олади, мумкин суз маъносини тушунади:

- А) 1 ёшли
- В) 5-6 ойлик бола

- С)9-10 ойлик
- Д)2-3 ёшли бола

29.Пастда берилган курсатгичлар болани асаб-рухий ривожланишининг кайси ешга тугри келади: 4 асосий рангларни ажратиб айтади, баландлиги 10-15см устундан кадам ташлаб утади, уйинда ролларни бажаради : "Мен докторман!" мустакил кийиниб олади кийимнинг тугмасини утказа олади оек кийимларини боглайди. Болани ёши:

- А)3 ёшли бола
- В)5 ёш 6 ой
- С) 1ёш 9 ой
- Д) 2 ёш

30. 8 ойлик болада орка мия суюклигида куйидагилар аникланди: суюклик лойка, нейтрофилли цитоз 1-10х10<sup>9</sup>/л, оксил 2-3г/л канд нормада, куйкумли реакциялар(Нонне Аппельт, Панди мусбат) Кайси касалликда шу курсатгичлар учрайди?

- А)менингит
- В)менингизм
- С)нейротоксикоз
- Д)полиомиелит

31. Нейротоксикоз холати кичик ешдаги болаларда тез-тез учраб туришини нима билантушунтириш мумкин:

- А) мияга кон келишининг тезлиги окиб кетишининг сустлиги билан
- В) гемато-энцефалитик барьер катта утказувчанлиги билан
- С)кон айланишининг сустлиги билан.
- Д)бош миянинг химиявий таркиби билан

32. Чакалок 14 кунгача булганда орка мия суюклигида кайси курсатгич нормага тугри келмайди:

- А)рангсиз
- В)оксил 0,4-0,5г.л.,
- С)цитоз 3,3-30,31 мклда
- Д)панди ++

33. Орка билан етган боланинг оёгини тизза сон ва чанок бугунида букилганда, кайта ёзиш кийин. Бу кандай рефлекс:

- А)Кернига рефлекси
- В)Моро рефлекси
- С)Галант рефлекси
- Д)Переса рефлексии

34. Бауэр эмаклаш рефлекси кайси ойда йуколади:

- А) 4 ой

- В) 2 ой
- С) 7 ой
- Д) 12 ой

35. Баланд булмаган жойга чикиб, куттининг огзини очиб епади, катталар сузидан чучийди, тана кисмларини номини билади, пиеладан ичади, мумкин эмас сузининг мохиятига тушунади. Боланинг ёши:

- А) 10 ой
- В) 9 ой
- С) 1 еш
- Д) 6 ой

36. Нуткнинг дастлабки даврига киради:

- А) овоз чиқариш
- В) бугинлар айтиш
- С) икки сузни кушиш
- Д) куйлаш ва охангни айтиш

### **Вазиятли масалалар**

#### **Масала 1**

Тана огирлиги- 10,6 кг, буйининг узунлиги- 76 см, бош айланаси- 46 см, курак кафаси айланаси- 48 см, Чулицкий индекси +25 см, Эрисман индекси + 10 см.

*Боланинг ёшини аниқланг?*

#### **Масала 2**

*Куйида берилган маълумотлар қайси ёшнинг нервно- психологик ривожланишига хос?*

Биринчи кадамларни куймокда, 8та суз билади, пиёладан узи ичади, «мумкин эмас» ва «мумкин» сузларини тушунади, онасини бегоналардан ажрата олади, уйкусининг давомийлиги- 13 соат.

#### **Масала 3**

*3.Куйида берилган маълумотлар қайси ёшнинг нервно- психологик ривожланишига хос?*

Болада биринчи кулги, ялтирок нарсаларга ва катталарнинг юзига эътибор беради, корнида ётганида бошини кутармокчи булади, оёқлари букилган, уйкусининг давомийлиги- 19 соат.

#### **Масала 4**

*Куйида берилган маълумотлар қайси ёшнинг нервно- психологик ривожланишига хос?*

Пересс, Галант ва Бауэр эмаклаш рефлекслари йуколади, катталарнинг кулида утириб, юзига тикилиб қарайди, кулади, ҳар хил товушлар чиқаради, кулларини пайпаслайди, корнида ётганида бошини яхши ушлайди, оёқларига таянади, уйкусининг давомийлиги- 17 соат.

### **Фойдаланиладиганадабиётларрўйхати**

#### **Асосийадабиётлар:**

1. Bolalar kasalliklari propedevtikasi. – Karaxadjaev B.X. L.T.Salomov, M.N. Abdullaeva Toshkent, 2006
2. Пропедевтика детских болезней- Мазурин А.В., Воронцов И.М., 2 ое издание Санкт. П. 1999.
3. Болалар касалликлари пропедевтикаси. – Карахаджаев Б.Х. ва бошқалар, Тошкент, 1997

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Рост и развитие детей.Руководство, составленное Ахмедовой Д.И., Рахимджановым Ш. Министерство здравоохранения Республики Узбекистан, Представительство ЮНИСЕФ в Узбекистане, г.Ташкент, 2006 г.
2. Усулические разработки к практическим занятиям по пропедевтике детских болезней для студентов 3 курса (часть первая и вторая). Ташкент – 1993 г.
3. Пропедевтика детских болезней. Т.В.Капитан, М. 2006 г.
4. Пропедевтика детских болезней. Под ред.А.А.Баранова. М. 1998 г.
5. Пропедевтика детских болезней- Мазурин А.В., Воронцов И.М., 2 ое издание Санкт. П. 2009.
6. Пропедевтика детских болезней: учебник под ред. Р.Р. Килдияровой, В.И. Макаровой. – М.: ЭОТАР – Медиа, 2012 г.
7. Здоровый ребенок. Усов И. Н. Минск. 1994.
8. Практические навыки педиатра. Усов И.Н., Чичко М.В., Астахова Л.Н., Минск, 1990.